

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2019 йил май ойининг 16-куни жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи С.Бўтаев,

Судья ёрдамчиси Г.Тангрибердиеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хатирчи туман прокурорининг ёрдамчиси А.Ниёзов, жабрланувчи Г.Саидоваларнинг иштирокида Абсалимова Ойсанам Нуруллаевнани айбланиш ҳақидаги №1-2110-1901/35-сонли жиноят иши кўрилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Абсалимова Ойсанам Нуруллаевна (Absalimova Oysanam Nurullayevna) 1990 йил 08 февралда Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оиласидан ажрашган, муқаддам 10.03.2016 йилда ЖИБ Зарафшон шаҳар судининг ҳукмига кўра, ЎзР ЖК 169-моддаси 2-қисми «в,г» бандлари билан айбли топилиб, 2 йилга АТИ жазосига судланган, 25.11.2016 йилдаги ЖИБ Навбахор туман судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.10.2016 йилдаги амнистия тўғрисидаги Қарори 1-банди «а» кичик бандига асосан ўталмай қолган жазодан озод этилган, судланганлик ҳолати тугалланган, Хатирчи тумани Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини Қовоқ қишлоғи 75-уй яшайди, унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини қонуний муддатда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи О.Абсалимова 2019 йил феврал ойининг бошларида Хатирчи тумани Навбахор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган фуқаро Саидова Гулхаё Собировнага тегишли “SALOMAT АYA OSHXONASI” номли ошхонага мижозларга хизмат кўрсатувчи ишчи сифатида ишга кириб, фуқаро Г.Саидовага ошхона ишларида ёрдамлашиб юриб, 2019 йил 28 феврал куни соат тахминан 15:30 ларда, ошхона эгаси

Г.Саидова ташқарида овқатланиб турганлигини кўриб ошхонанинг овқат пишириладиган хонасида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ушбу хонага идишларни ювиш боҳонасида кириб, стол устида турган кўк рангли елим челақ ичида сақланаётган, ошхонага келган мижозлардан тушган турли кўпюрадаги 900 минг сўм пулларни, ва хона ичидаги стол остига жойлаштирилган темир сейфни калити ёрдамида очиб унинг ичидан Г.Саидова томонидан йиғиб қўйилган 4 млн сўм пулларни яширин равишда талон торож қилиб, фуқаро Г.Саидовага жами 4 млн 900 минг сўмлик моддий зарар етказиб, воқеа жойидан яширинган.

Судда судланувчи О.Абсалимова кўрсатувида айбига қисман иқрорлик билдириб, 2019 йил феврал ойининг ўрталарида таниши Гулзиё ўзи ишлаган Хатирчи тумани марказида жойлашган Гулҳаё исмли аёл ишлатиб келадиган “САЛОМАТ АЯ ОШХОНАСИ” номли ошхонада иш борлигини, ошхона эгаси таниши Гулзиёга ўрнига бирорта ишчи топиб беришини айтганлигини, у Гулҳаё билан гаплашиб унинг ошхонасида ҳар кунига 15 минг сўм эвазига ишлашга келишганлигини, уни ошхонадаги асосий иши мижозларга хизмат кўрсатиш ва идиш товоқларни тозалашдан иборатлигини, ошхона эгаси Гулҳаё овқат пишириш, бозорлик қилиш ва касса назоратини ўзи қилишлигини, 2019 йил 27 феврал куни унга пул зарур бўлганлиги сабабли ошхона эгаси Гулҳаёдан қарзга 80 минг сўм бериб туришини сўраганлигини, 2019 йил 28 феврал куни ишга эрталаб соат 08:00 да келганида ошхонада Гулҳаё билан биргаликда ошхонадаги ишларни қилганлигини, 2019 йил 28 феврал куни соат 11:30 ларда дугонаси Жамила у ишлайдиган ошхонага келган вақтда ошхона эгаси Гулҳаёнинг онаси ҳам Жамилани кўрганлигини, Жамила телефонда гаплашиб ўтирган вақтда у ушбу овқат пишириладиган хонадаги ошхона столи устида турган кўк рангли елим челақни олдига қараганлигини, чунки ошхона эгаси Гулҳаё мижозлардан тушган пулларни стол устида турадиган ушбу елим челақ ичига солиб қўйишлигини, челақ ичига қўлини тикиб, челақ ичида тахланган ҳолатда турган 5 минг кўпюрадаги пулларни ва боғланмаган ҳолатда лекин тахлаб қўйилган турли кўпюрадаги пулларни олиб, пулларни ўша ерда илинган турган қора рангли қишки палтосини ташқи томонидаги чап чўнтагига солганлигини, Жамила уни ушбу пулларни ўғирлаётганлигини кўрмаганлигини, Гулҳаёни олдига борганида у қўлида бўлган пуллардан 15 минг сўм санаб унга ўша кунги хизмат ҳақи сифатида берганлигини, у уйига келиб Гулҳаёнинг ошхонасидан ўғирлаб чиққан пулларни санаб кўрганида жами 749 минг сўм чиқганлигини, у эртаси куни яъни 2019 йил 01 март куни ўғирлаган пулларида 520 минг сўмини ўзи ётадиган деван тагига яшириб, қолган пулларни ўзи билан бирга олиб чиқганлигини, Гулҳаё унга ошхонада ўғирлик бўлганлигини, пул солинадиган челақдан ва ошхонадаги темир сейф ичидан жами 4 млн 900 минг сўм пуллари ўғирлаб кетилганлигини айтганлигини, ошхонага Хатирчи тумани ИИБ ходимлари етиб келиб, суриштирув ишларини олиб борганлигини, туман ИИБ ходимлари уни ошхона эгаси Гулҳаёни ва унинг синглиси Гулмирани чақириб туман ИИБга олиб келиб суҳбат ўтказганлигини, уша куни кечки пайт уни туман ИИБ

ходимлари яна ИИБга чақиртирганлигини, у ИИБ ходимларига Гулҳаёнинг ошхонасидан пулларини ўғирлаб чиққанлигини айтиб берганлигини, у ИИБ ходимларига ўзи ётадиган деванини остига яшириб қўйган 520 минг сўм пулларни кўрсатганлигини, ИИБ ходимлари холислар иштирокида ундан ушбу пулларни баённома асосида расмийлаштириб олганлигини, оилавий шароити оғирлигини, етказилган зарарни келгусида ишлаб қоплаб беришини, содир қилган ҳаракатига иқдор ва пушаймонлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини билдириб қонуний енгиллик бекришни сўради.

Судланувчи О.Абдусалимованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қўйидаги объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топади:

жабрланувчи Г.Саидова кўрсатувида судланувчини танишлигини, унга адовати йуқлигини, у Хатирчи тумани Навбахор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “SALOMAT AYA OSHXONASI” ни 2017 йил сентябрь ойида ташкил этиб раҳбарлик қилиб бошқариб келишлигини, ҳозирги кунда у ишлатиб келаётган “SALOMAT AYA OSHXONASI” да мижозларга кунлик овқат пишириб хизмат қилиб келишлигини, у мижозларга овқат пиширса уни қўл остида ишловчи О.Абдусалимова ошхонадаги идиш товоқларни ювиб унга қарашиб туришлигини, у О.Абдусалимовани 2019 йил 02 февраль куни ишган олганлигини, О.Абдусалимовага иш ҳақи сифатида ҳар куни 15 минг сўм пул беришлигини, 2019 йил 01 март куни у кун бўйи мижозлардан олинган пулларни ҳисоб китоб қилишга ўтириб, кун бўйи савдо бўлган пулларни мижозларга овқат пиширадиган хонадаги кўк рангли челекка солиб қўйганлигини, мазкур кўк челекни ичидаги пулларни олиб 10 минг сўмлик ва 5 минг сўмлик купюраларни аралаштириб 400 минг сўм қилиб тахлаганлигини ва 1000 сўмлик купюрадаги пуллардан 100 донасини олиб бир боғламга 100 минг сўм қилиб тахлаб, шундан сўнг челекнинг ичида бир кун олдин яъни 2019 йил 28 февраль куни мижозлардан тушган ва челекнинг ичида турган 500 минг сўм пулларга 2019 йил 01 март куни мижозлардан тушган 500 минг сўм пулларни қўшиб жами бўлиб челекнинг ичига 1 млн. сўм пулни тахлаб қўйганлигини, ошхонага О.Абдусалимовани Жамила деган дугонаси келганлигини, Жамила дугонаси О.Абдусалимовани олдига кириб кетганлигини, унга иш ҳақи сифатида 15 минг сўм пул берганлигини, у ўзини эҳтиёжларига ишлатиш учун ошхонага кириб челек ичида бўлган 1 млн сўм пуллардан 100 минг сўм, 1000 сўмлик купюрадан иборат бўлган бир почка пулни олиб чиққанлигини, челекнинг ичида 900 минг сўм пул қолганлигини, шундан сўнг у ошхонанинг эшикларини қулфлаб, дугонаси Х.Турсунова билан “Чегара” номли умумий овқатланиш ошхонасига борганлигини, 2019 йил 02 март куни соат тахминан 07:00 ларда ошхонага келганлигини, шу орада О.Абдусалимова ҳам ошхонага келиб сув олиб келиш учун кетаётган вақтида уни тўхтатиб ошхонада картошка қолмаганлигини айтиб ёнида бўлган пулдан 12 минг сўм пул бериб бозорга жунатганлигини, у мижозлардан пулларни олиб мижозларга овқат пиширадиган хонада

турадиган кўк рангли челака соламан деб челаки қопқоғини очиб челакининг ичига қараса 2019 йил 01 март куни челакининг ичига қўйган 900 минг сўм пуллари йўқлигини, челакининг ичида бир нечта чек бўлаги ва сейфнинг калити борлигини, шундан сўнг зудлик билан челакининг ичида турган сейфнинг калитини олиб, мазкур челақ турган столнинг остидаги сейфини ичини очиб қараганлигини, 2 ой давомида йиғиб келаётган хар-хил купюрадан иборат бўлган 4 млн. сўм пуллари ҳам йўқлигини, шундан сўнг у тумани ИИБ ходимларига хабар берганлигини, туман ИИБ ходимлари келишиб, суриштирув ишларини олиб бориб, ундан ушбу йўқолган пулларининг миқдори қанча эканлиги ва мазкур пуллар неча сўмлик купюрада эканлигини сўрашиб ундан ариза олганлигини, орадан кўп вақт ўтмасдан у ошхонасига ўғирлик содир этган кишини аниқлаганлигини, ўғирлик содир этган киши уни қўл остида ишловчи О.Абдисалимова эканлиги аниқланганини, унга нисбатан даъвоси борлигини, етказилган зарарни удириб бериш ва қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ Ж.Ўткирова судда у судланувчи О.Абсалимовани танишлигини, унга адовати йўқлигини, 2019 феврал ойида у таниши О.Абсалимова билан телефон орқали гаплашганида у янги ишга ўтганлигини, ҳозирда Гулҳаё исмли аёлнинг туман марказидаги гречка пишириладиган ошхонасида хизматчи бўлиб ишлаётганлигини айтганлигини, 2019 йил 01 март куни дугонаси Ойсанам ишлайдиган туман марказидаги ошхонага соат тахминан 11:00 ларда борганлигини, у ерга борган вақтида ошхона эгаси Гулҳаё, дугонаси Ойсанам борлигини, у ошхонанинг акфа эшигидан кирган жойда биринчи столга ўтириб Ойсанамни ишларини қилиб бўлишини кутиб турганлигини, соат тахминан 15:00 ларда яна Ойсанам дугонасини олдиға Гулҳаёнинг ошхонасига борганлигини, Гулҳаёни ошхонасига кирганида Гулҳаё бир аёл киши билан бирга ўтириб овқатланиб ўтирганлигини, Ойсанам ошхона ичида идиш товоқларни тозалаб, чойнак пиёлаларни ювиб ўтирганлигини, у яна Ойсанамни ишларини битириши учун миждозлар ўтирадиган столга ўтирганлигини, у уларга халал бермаслик учун Ойсанамга ташқарида кутиб туришини айтиб ошхонадан ташқарига чиққанлигини, орадан 20-30 дақиқалар ўтгач Ойсанам соат тахминан 16:30 17:00 лар атрофида ишларини тугатиб чиққанлигини, Ойсанам ишларини битириб чиққач таниши Акмални “Тико” автомашинасида Хатирчи тумани Чинобод МФЙга борганлигини, Ойсанам “Тико” автомашинаси ичида уни кутиб турганлигини, у маҳаллага кириб фарзандларини нафақа пули масаласини гаплашиб чиқиб яна Акмални “Тико” автомашинасида Хатирчи туманидаги Дилмурод исмли кишининг ошхонасига борганлигини, Ойсанам билан бирга ошхона эгалари билан гаплашиб унга иш сўраганлигини, Ойсанам йўлда маҳалласига яқин жойда “Тико” автомашинасидан тушиб қолганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

Бундан ташқари, судланувчи О.Абсалимованинг содир қилганлиги айби унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Г.Саидованинг аризаси, воқеа жойини кўздан кечириш

баённомаси ва воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасига илова воқеа жойини кўздан кечириш схемаси, фотожадваллар, нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисидаги баённомалари билан, (ишнинг 3-12-варақлари), шунингдек, жабрланувчи Г.Саидова, гувоҳлар У.Ҳазратов, Ҳ.Шодмонов ва Ж.Ўткироваларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ва суд терговда берган кўрсатуви ҳамда ошкора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи О.Абсалимованинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.

Суд, судланувчи О.Абсалимовага нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, етказилган зарарни қисман бартараф этганлигини, судланганлик ҳолати тугалланганини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни ғаразгуйлик ниятида содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, у томонидан содир этилган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиб, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифга эга эканлигини, аёл киши эканини, етказилган зарарни қисман бартараф этганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб топиб, қайд этилган Жиноят кодекси одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳамда Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ЖК 169-моддаси 1-қисми санкция доирасида доирасида ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлашни, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолишни, жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойда утатиришни, ҳукмни ижросини назорат қилиш Хатирчи туман ИИБга юклатишни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ва гаров предметини гаровга қўювчига қайтаришни лозим топди.

Судланувчи О.Абсалимовадан жабрланувчи Г.Саидовага 4.380.000 сўм етказилган моддий зарарни ундиришни, ашёвий далил тариқасида

эътироф этилган 520 минг сўм пул маблағини жабрланувчи Г.Саидовага қайтаришни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд -,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Абсалимова Ойсанам Нуруллаевна (Absalimova Oysanam Nurullayevna) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Абсалимова Ойсанам Нуруллаевнага Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлансин. Жазо муддати корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаган жойда утатирилсин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Хатирчи туман ИИО Пробация гуруҳига юклатилсин.

Судланувчи О.Абсалимовага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва гаров предмети “Redmi 5” русумли телефон аппарати ва тикув машинаси ҳужжатлари гаровга қўювчи О.Абсалимовага қайтарилсин.

Судланувчи О.Абсалимовадан жабрланувчи Г.Саидовага 4.380.000 (тўрт миллион уч юз саксон минг) сўм етказилган моддий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 520 минг сўм пул маблағи жабрланувчи Г.Саидовага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланган ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судига ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

С.Бўтаев